


Сотувда эркин нархда



A black and white photograph of three Buddhist monks in a field. The monk on the right is holding a small object, possibly a flower, near his face. They are all wearing traditional robes.

A black and white photograph of three young children, likely of African descent, smiling and holding a large bouquet of wildflowers. The child on the right is in the foreground, smiling broadly. The child in the middle is partially obscured, and the child on the left is also smiling. They are outdoors against a light, textured background.

Ҳақиқатан ҳам шурчилик Фихриддин Акабоев Шейхпояриянинг Лозанна шаҳрида бўлиб уталдиган ёш мусаввирлар куриктанловида қатнашишга тайёргарлик қўяпти. Республика миқёсида ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги тасирий санъат курик танлови ғолиби бўлган бу йигитга навбатдаги беллашувда омад тилар эканмиш, у нафақат сурхондарёликларнинг, балки юртимиз фахри эканини эътироф этамиш.



«ЧИКИНДИЛАР КИРОЛИ»

Оромгоҳда утказилаётган ажойиб бир тантананинг устидан чиқдик. Ошхонда тукин дастурхон безатилган, турли хил ширин кулчалар, шарбатлар, конфетлар мул-кул. Деворда «Туғилган кунингиз билан, азиз болажонлар!» деган ёзув илинган. Дастурхон атрофида шу ойда туғилган кунлари нишонланадиган 15-20 чоғли угил-қиз давра олиб утиришибди. Оромгоҳ раҳбари Зокиржон ака Юсупбоев уларни байрамлари билан қизгин қутлади. Тарбиячилари, гуруҳдош дустлари чиройли гулдасталар, ўз қўллари билан ясаган буюмлари, чизган суратларидан совға қилишди. Оромгоҳнинг бош ошпази Мирсоат ака Ғофуров тайёрлаган каттакон торт ҳаммага етди.

Фурсатдан фойдаланиб, болаларни, уларнинг тарбиячиларини суҳбатга тортдик.

— Гуруҳимизда 34 нафар қиз бор. Шунинг учун ҳам гуруҳимиз номини «Қизлар» деб атаганмиз, — дейди 4-гуруҳ тарбиячиси Гулнора Тошпулатова. Қизларимизнинг бари саранжом-сариншта, чаққон ва чевар қизлар. Оромгоҳ қошидаги турли тугаракларда қатнашибди, қизиқарли уйинлар уйлаб топшибди, беллашув ва танловлар уюштиришди. «Юлдузлар орамызда» мусикали уйинда жаҳон эстрада юлдузларига тақлид қилиб қўшиқлар айтишса, «Истеъдодларни излаймиз» танловида қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, расм чизиш бўйича мусобақалашибди. Ҳаммадан ҳам «Қувноқ экспресс» уйин-викторинасини яхши қўришди. Бу уйинда бир неча бекатлар бўлиб, «Рақс» бекатида уйинга тушишлари, «Ким чаққон» мусобақасида 30 метрлик масофага югуришлари, «Кимнинг урни чиройли?» бекатида ўз ўринларини тез ва соз қилиб тугрилаб қўйишлари лозим бўлади. Болаларимиз меҳнатни ҳам уйин тарзида қилишга одатланиб қолишган. Оромгоҳ бўйича ҳар 2-3 кунда «Чикиндила қироли» уйин мусобақаси утказилади. Қай бир гуруҳ оромгоҳ ҳовлисидаги қоғоз ва бошқа чиқиндиларни кўпроқ топса, шу гуруҳ аъзолари «Чикиндила қироли» бўлиб, мукофотга ши-

БОЛАЛИККА ҚАЙТГИМИЗ КЕЛДИ

Оқтош республикамизнинг энг хушманзара, сўлим гўшаларидан бири. Шунинг учун бу ерда кўпда дам олиш масканлари, соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Кенгашининг инсонпарварлик, муомала ва ёшлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Анвар ака Аҳмеджонов, шу бўлим маслаҳатчиси Рашида она Юсупова ва бошқаларнинг Оқтош зонасидаги оромгоҳлар бўйлаб қўшма рейд уюштиришга тгани ҳақида эшитиб, уларга ҳамроҳ бўлдик.

Шу кун эрталабданок кун қизий бошлаган, шаҳар ҳавоси анча дим эди. Чирчиқ шаҳрига яқинлашганимиз сари ҳавонинг ўзгаргани сезила бошлади. Очиқ деразалардан қиётдан иссиқ ҳаво ўрнини салқин, кишига ҳузур бағишловчи шаббода эгаллади. Ҳадемай ўрқач-ўрқач тоғлар, баланд-паст, ям-яшил қирлиқлар, мовий белбоғ мисол сувлар кўзга ташлана бошлади. Автобусимиз «Миконд» заводига қарашли «Электрон» болалар дам олиш оромгоҳи» деб ёзилган дарвоза қаршисида тўхтади.

ринлиқлар олишади. Қарабсизки, ҳаммаёқ озода бўлиб қолади...

Етти гектарлик кенг майдонга жойлашган ушбу масканнинг ташкил қилинганига шу йил август ойида 15 йил тулади. Йўлланмалар нархи 5500 сум бўлиб, шундан атиги 250 суми ота-оналар зиммасига тушган. Биринчи мавсумда дам олаётган 215 нафар болаларнинг барчаси бирон бир тугаракка аъзо. «Юмшоқ уйинчоқлар», «Табиат ва биз», мусика хори, теннис, шахмат-шашка, расм чизиш каби тугараклар улар ихтиёрида. Қувонарлиси шундаки, болаларнинг аксарияти навбатдаги мавсумда ҳам қадрдон оромгоҳларига яна келиш ниятидалар.

«РАДУГА»ГА ГАП ЙЎҚ ЭКАН.

Тоғ орасидаги йўлқадан қиялаб, бироз пастга тушидик-да, пештоқига «Радуга» болалар оромгоҳи» деб ёзилган бионинг ёнидан чиқдик. «Радуга» бошқа дам олиш масканларидан фарқлироқ, 4 мавсумда ишлар экан. 25 июндан бошланиб 14 июлгача давом этадиган 2-мавсумда «НПО Технолог» заводи ишчиларининг 400 дан зиёд фарзанди мириқиб ҳордиқ чиқаришяпти. Уларнинг кунгилли дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳавас қиларли. Мевазор боғлари, уйин майдончалари, болаларнинг ёшига мослаб қурилган чўмилиш ҳавзалари, китобларга бой кутубхонаси. Ҳаммадан ҳам болаларнинг ётоқхоналарини айтмайсизми? Ҳар бир хонага иккитадан кондиционер урнатилган, телевизор болалар ихтиёрида. Қизиқарли мультфильмлар, болалар боп фильмларнинг бирортасини ҳам утказиб юборишмайди. Оромгоҳнинг ҳатто кишки бассейни, сауна ва иссиқхоналари ҳам бор. Ҳар қадамда чиқиндилар учун махсус қутилар қўйилганиданми, ҳовлилар са-



ранжом-сариншта. Ер ости сувлари билан тўлдирилган бассейнда чўмилиш, офтоб нурлари остида чиниқиб болаларнинг жону дили.

Дам олувчилар орасида Зироат исмли қизча ҳам бор. Унинг оромгоҳга келиши тарихи жуда қизиқ бўлган экан:

Дадаси оромгоҳга йўлланма олиб келганида қувониб урнига, у астойдил хафа бўлибди: «Ахир қандай қилиб ойижонимиз ёлғиз ўзим кетаман, ким овқат пишириб беради, кийимларимни ким ювади? Кечкурун ким эртақ айтиб ухлатади?» уйларди узица қовоғини уюб. Қизчасининг аҳволини сезган онаси енига келиб утирди-да, етиги билан тушунтира бошлади: «Зироат, энди қап-катта қиз бўлиб қолдинг, 3-синфга ўтдинг-а?! Қачонгача кетимдан эргашиб юрасан? Бироз мустақилликка ҳам урганишинг керак. Қолаверса, ҳаво алмаштириб, дам олиб келасан. Янги-янги дустлар орттirasан».

Зироат кўнгандек булди-ю барибир кўнглининг қаеридир гаш эди. Бу ёғи қандай буларкин? Оромгоҳга келган кунидек хавотирларининг бари ўринсиз эканлигини сезди. Салқин, баҳаво жойлар экан. Ошпаз амакилари пиширган мазали овқатлар, яхна шарбатларни айтмайсизми! Шоира, Мунира, Ольга, Оксана исмли қизлар билан танишиб олди. Зерикиш қаёқда дейсиз?

Тунов кун ота-онаси уни қўришга келишди.

— Хўш қизим, оромгоҳ яхши эканми, ё уйга олиб кетайликми? — суради дадаси.

— Йўқ дадажон, охиригача қола қолай, — деди Зироат шопиб. — Бизнинг «Радуга»мизга гап йўқ экан!..

КИМГА ҚАНАҚА?

Оромгоҳ болалари тушки уйкуга етишди. Уйин майдонлари, чўмилиш ҳавзалари бўшаб қолди. Дарвозадан чиқаверишда 5-6 нафар қизалоқларга кузимиз тушди. Шоира, Лола, Ҳилола, опа-сингил Сайёра ва Севара исмли бу қизлар Бустонлиқ туманидаги Кумуш Расултоев номли мактабда ўқитар экан. «Сизлар ҳам мана шу оромгоҳда дам олишни хоҳлармидингиз? — деган саволимизга, бир овоздан «Йўқ» деб жавоб беришди.

— Шаҳарлик болаларга ҳайронман. Оромгоҳнинг нимаси ёқди уларга? — суз бошлади дадилроғи. — «Уни қилма, буни қил, фалон соатда ёт, фалон соатда уйқудан тур». Бизга эса маза! Хоҳлаганча ухлаймиз,

истаган еримизда уйнаймиз. Дам йўлланма олиб бераман деганларида, оромгоҳга бормайман, деб роса хархаша қилганман. Бизга Тошкент жуда ёқди. У ерда маймунларни кўрганман, катта айланма аргимчоқларда учганман. Дадам ишдан таътилга чиқсалар, олиб борадилар. Ана уни дам олиш деса бўлади!..

Нима ҳам дердик, қизлар ҳам узларича ҳақ! Муҳими, ўз мустақил фикрлари, митти тасаввурларига эгалар. «Оромгоҳда дам олиш ёқадими?» деб сураганимизда, «ҳа» деб қўя қолишлари ҳам мумкин эди-ку.

Ҳар ким ўз иши билан банд бўлиб, кеч кирганини ҳам сезмай қолибмиз. Шаҳарга қайтар эканмиз, оромгоҳларнинг шарт-шароитлари, озодалиги, овқатларнинг сифати, маҳсулотларнинг дармондориларга бойлиги, тиббий ёрдам хонасидаги саранжом-сариншталигу дориларнинг микдори, қисқаси, миридан-сиригача кўздан кечириб чиққан ҳамроҳларимиз Аҳад ака, Рашида опа, Анвар акаларга қараб туриб, орамизда сизлардек фарзандларимизнинг кўнгли дам олишлари, демакки, саломатликлари учун астойдил қайгурадиган, фидойи инсонлар сони ортаверсин, дегимиз келди. Ёзги таътилни кишига ҳузур бағишловчи гир-гиршаббодалар эсиб турган сулим гўшаларда утказётган угил-қизларга ҳавас қилиб, болаликка яна бир бор қайтгимиз келди.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
Тошкент вилояти, Оқтош шаҳри.

Суратларда: Оқтош бағридаги оромгоҳлардан лавҳалар.



Ҷуҳоният шоирӣ

Бутунги дунёда яшайтган инсонлар икки турли қарашга эга: бирлари оламни, одамни, табиат ва тасодиф маҳсули дейдилар, иккинчилари, оламларни жамик маҳлуқларни, жумладан инсонни буюк Тангри яратган деб биладилар. Эскидан башар яратган фан, санъат, шеърят бу икки йуналишда шаклланди. Масалан, алабиётда, жумладан шеърда Оллоҳга эътиқодсизлар инсонни, унинг ҳаётини ёлғиз моддий, юзаки, кузга қуринувчи ҳодисалар орқалигина тасвирладилар. Оламларни, еру-қуқларни, маҳлуқларни, энг шарафли маҳлуқ булган инсонни («Тарихи фаришга» китобида ёзилишича, маҳлуқларнинг энг шарафлиси инсон, энг тубани итдир) бу қадар мукаммал муомалоз қилиб яратган бутун борлиқнинг эгаси — Тангрининг қудрати ва илоҳий санъатига инонувчилар, одамни бадан ва руҳдан иборат деб билувчи, руҳнинг абдийлигига ишонувчилар эса, уз асарларида инсоннинг руҳий олами тасвирлашга интидилар.

Ота-боболари асли хоразмлик булган Жалолиддин Румий ана шундай руҳоният шоиридир. Бунга унинг бутун асарлари далилдир. Унга тугилишидан, болаликданок руҳий қувват берилгани тугрисида манбаларда, ривоятларда мисоллар бор. Алишер Навоий бобомизнинг ёзишларича, Мавлоно беш ёшда эканларидан бошлаб гайби сувар, руҳоний ашқол, яъни малойиклар суфрасига руҳоний ҳаётга кирганлар. Жалолиддин Муҳаммад олти ёшда, жума куни

уйларнинг томида уз тенгдошлари билан уйнаб юрар эди; қурдошлари томдан-томга сакраб завқланардилар, улардан бири унга, келинг, бирга томдан-томга сакраймиз, дейди. Бу ит ва мушукларнинг ишидир, дейди Жалолиддин Муҳаммад. Сунгра дейдики: «Агар сизнинг жонингизда қуввате бўлса, осмон томига секрели...» ва шу ҳолатида томдан ҳавога кутарилиб, кўздан ғойиб булади. Болалар изтиробдан қичқиришиб, йиғлаб қоладилар. Бир лаҳзадан сунгра Жалолиддин Муҳаммад уша томга тушади ва дейдики, мен сизларга у сузларни айтиб турганимда яшил қисватлиғлар (яшил кийимли фаришталар — Т. Қ.) мени кутариб осмонга элтдилар, ажойиб малакларни кўрсатдилар, сизларнинг йиғи-фарёдингиз кукка чиққач яна олиб тушиб қўйдилар.

Шоирнинг ҳаёт тарихига қура, у ҳижрий 604 сананинг рабиул аввал ойининг олтинчи кунда (30.09.1207 мелодий) Балхда тугилган. Бобоси Ҳусайн Хатибий, бувиси хоразмшохлардан булган.

Жалолиддин беш ёшда экан, отаси Баҳоиддин Валад Балхдан йулга чиқиб, аввал Хижозга, кейин Шомга борди. Отасининг ортидан кетаётган Жалолиддинга қараб, шайх Муҳиддин Арабий: «Субҳон Оллоҳ! Бир баҳри муҳит (океан)нинг денгиз ортидан боришини қара-на!», дегани ривоят қилинади. Улар Балхдан йулга чиқиб Ниниопурдан утаётганларида, улуг шайхлардан бири, машҳур шоир Фаридиддин Аттор билан қўришадилар. Аттор ёш Жалолиддинга узининг «Асрорнома» китобини тухфа этади. Мавлоно Баҳоиддин Валад Шом йулидан бутунги Туркия ерларига утди, Арзинжонда, сунгра Оқсехирда тўхтади. Мадрасаларда 4 йилча дарс берди. Жалолиддин отасидан бутун илмларни урганди. Баҳоиддин Валад, сунгра Лоранда

(ҳозирги Караман)га боради, у ернинг ҳокими Амир Муса унга атаб махсус мадраса қўриради ва уни мадрасанинг бош мударриси деб шарафлантиради. Обиддин Пошшонинг ёзишича, сунг Мавлоно Жалолиддин отасининг урнига бош мударрис этиб сайланди, отасидан олган билим ва тажрибаларига суяниб, ваъз ва фатво ишларини давом эттирди.

Аммо Мавлоно Жалолиддин ҳаётида унутилмас бир учрашув булдики, бу унинг ҳаётини тамоман сокинлик узанидан юлиб олиб, бошқа бир йулга йўналтириб юборди. 1244 йилнинг 29 ноябрида Қунёга суфий Шамсиддин деган дарвеш кириб келди. Уни Шамс Табризий ҳам дейишади. У Табризда, савдогар оиласида тугилган булиб, ешлтигидан суфийлик, тасаввуф илми сирларини урганган, устодлари замонининг машҳур шайх-суфийларидан эди. Илм олиш, дунени қуриш учун, суфийлар билан қўришиш учун у доимо саёҳат қиларди, шунинг учунми, «Парранда» лақабини ҳам олганди. Соҳиб-

диллар унинг маънавий парвози кучли булганидан бундай аташган. Қунёда уз талабалари ва муридлари билан кучада бораётган Мавлоно у билан учрашиб қолади. Шамс Табризий унга: «Пайғамбар Муҳаммадми буюк ва ёки шайх Боязидми?» деган мазмунда савол беради. Мавлоно, табиийки, ҳазрат Пайғамбаримиз буюкроқдир, деган жавобини айтади. Дарвиш буни рад қилади ва фикрининг исботини сузлайди... Шу буйича улар ҳамсуҳбат, дуст булиб қоладилар.

Қунё муҳити бу икки малаксифат дустлигини, суҳбатларини, руҳоний йўлдошлиklarини ҳазм эта билмади. Муридлар такрор жунбушга миндилар, можаро шу билан тугадики, оромини бутунлай йўқотган Шамс Табризий 1247 йилда қуринмасдан, билдирмасдан Қунёдан ғойиб булди. Бошқа хабари келмади. Мавлоно Жалолиддин йиллар утиб, бошқа суҳбатдошлар топди, аммо Шамсдек буюк бир руҳдошга етишга олмади. Дустлаң-маънавийт уртоғидан айрилиш туфайли Мавлоно жуذا қўп газаллар битди. Унинг фикрий олами таъсирида жўшқин тасаввуфий шеърлар ёзди. Улар жамланган девон «Девоний Шамси Табризий» дейилади, унда 54.000 байт шеър бор.

Мавлоно умрининг охиригача руҳоний билги билан инсонлар онгини ёритди. У муридларига, талабаларига тушунчаларни мусиқа ва рақс воситасида эгаллаш йулини ургатди. Мавлоно Жалолиддин замонидан бу кунларгача Туркияда мавлоноча рақси самънинг бир усули ибодат каби давом этиб келмоқда.

Арабчадаги самъ, самъ сузининг биринчи маъноси — эшит, иккинчи маъноси — хониш, қуйлаш, учинчи маъноси — руҳоний завқу-шавққа берилиш, важд ҳолати, дарвишларнинг зикр тушайтгандаги важд ҳолати, яна мавлавийона «рақси самъ»га ҳам иш-

ра бор.

Жалолиддин Румий аслида туркдир, хоразмликдир. У Балхда тугилган даврда бу шаҳар Хоразмшохлар мамлакати тупроқлари ичида эди; зотан бу шаҳар эски замонлардан бери Туркистон ва Туроннинг унлаб машҳур шаҳарларидан бири саналиб келинган. Мавлононинг ижоди бугун дунёда яшайтган барча миллатларнинг бойлигидир.

Жалолиддин Румий умрининг сунгигача диний вазифа ва ижод билан машғул булди. Мавлавия мактабига асос солди. Унинг вафоти тарихи 1273 йилнинг 12 декабри, «Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг руҳи пурфутуҳлари ҳижратнинг 672 санаси жумодил охирасининг бешинчи куни оқшомга яқин дорулнаима парвоз айламишдир» деб ёзади, Обиддин Попо.

Мавлоно Жалолиддин турбаси уша даврлардан бугунгача Қунё шаҳрининг энг биринчи, муътабар зиёратгоҳи саналади. Туркиянинг Саожук шаҳри яқинида Булбултоғдаги ҳазрат Исо пайғамбарнинг онаси Биби Марям мақбараси зиёратига оқиб борганлари каби Қунёга ҳам тинимсиз сафар қилишади. Туркиянинг барча ердан, дунёдан келган сайёҳлар Мавлонони зиёрат қилиб, улкан қабртошнинг зиналарига қўлларини, пешоналарини, юзларини суриб, тафовф этишади. Тик турганча узок-узок дуо қилишади. Зиёратчилар маълум тартиб, одатга риоя этишлари шарт, жумладан гайримуслим, бош кийимсиз ва тиззасидан паста яланғоч аёлларга, ҳатто «шорт»или эркакларга ҳам «юбка», кичик бир румол берилади ва улар ҳам барча билан бирга интизомли ҳаракат қилишади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ижодини тушуниш учун аввало руҳоний, маърифий ҳозирлигимиз булиши лозим. Шундагина ундан наф оламиниз, узгаларга ҳам наф келтирамиз.

Тоҳир КАХХОР



Жалолиддин РУМИЙ

АЗРОИЛДАН ҚОЧИБ ҚУТИЛМОҚЧИ БЎЛГАН НОДОН ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир киши, савдо тушаркан бошига,
Ҳовлиқиб келди Сулаймон қошига.

Ранги қум учган, турарди қалтираб,
Ҳолини сурди Сулаймон: «Хуш, не гап?»

«Эшигимга келди Азроил бугун,
Бир боқишда битди дармоним бутун...»

«Хуш, не истайсан?» — Сулаймон сурди
бот,
Деди ул шўрлик: «Аё, соҳибнажот,

Елга амр этгил, учирсин Ҳинд томон,
Балким жоним унда топгайдир омон...»

Бок, фақирликдин ҳамма қўрқар эмиш,
Лек булурлар ҳирсу мансабга эмиш...

Шу улим ваҳму анга ухшаб кетар,
Ҳирсу мансаб-мулки Ҳиндистон магар...

Елга амр этди Сулаймон шу замон,
Элтди Ҳиндистонга шўрликни ҳамон...
Эртаси эркан Сулаймон аршида,
Қурди, Азроил турарди қаршида.

Сурди: — Айтгил, ҳаққу раҳмону раҳим,
Бир мусулмонга нечун солдинг ваҳим?

Мақсадинг не эрди, гирён айладинг?
Уйдан қувдинг ва сарсон айладинг?

Деди Азроил: — Нечун бу иштибоҳ,
Эй, жаҳонда ҳеч заволсиз подшоҳ!

Умбатингни мен сира қўрқитмадим,
Қўрқитиб, овора, сарсон этмадим...

Мен қуриб ногоҳ уни йўл устида,
Бир замон қолдим тараддуд остида.

Чунки Ҳақ айтмишди: бир кун умри бор
Сенга Ҳиндистонда жон этгай нисор...

Уйладим: олисда жон бергай, ажаб,
Юз қаноти бўлса ҳам мушкул бу гап...
Бўйладир ушбу жаҳонда қилу-қол,
Оч қўзингни, бок жаҳонга, ибрат ол.

Сен узингдан-ку қочолмассан, аник,
Бас, нетиб Ҳақдин қочарсан, эй рафиқ!

УЧ ЙЎЛОВЧИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

...Боришарди турк, араб, форсу юнон,
Шунда бир кимса-анису меҳрибон —

Хайр, деб бир танга савго айлади,
Йўқки савго, балки ғавго айлади.

Форс деди: «Бозор тушайлик шул замон,
Ақчага ангур олайлик, дусти жон!»

«Қуй бу гапни, — деб уни кесди араб, —
Эйнаб олсак ақчага бўлғай ажаб!»

Турк деди: «Беҳуда бу гаплар бари,
Мевалар ичра узумдир сарвари!»

Шунда юнон ҳам арога солди сўз:
«Ҳай, харид этмоққа стафилъ дуруст!»

Бас, улар битта қарорга келдилар,
Лек тушунмай, баҳсу ғавго қилдилар.

Барчада хоҳиш узум эрди фақат,
Барчаси бирдек, узум, дерди фақат.

Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,
Тиш, қовурга лат еди, топди шикаст.

Гофилу гафлат сузидин можаро,
Бизники бирлик била сулҳу салоҳ...

Лугат дафтарингизга
Ангур, эйнаб — узум маъносини
англатади.
Стафилъ — узум маъносини англатади.

Эртақ кетидан эртақ



Утган замонда бир подшоҳ якка узи овга чиқибди-да, ов қилиб юриб, узоқдан бир нарсани куриб қолибди. Подшоҳ секин бориб қараса дарахт тагида бир пари қиз дам олиб утирган эмиш. У қизни курган замон ҳушидан кетибди. Бир оздан сунг узига келиб қараса пари сув келтириб подшоҳнинг юзига селиб турган эмиш. Подшоҳ унинг қулидан сувни ичиб узи билан бирга саройга олиб келибди.

Подшоҳ қирқ кечаю қирқ кундуз туй-томоша билан пари қизга уйланибди. Орадан бир неча вақт утгач подшоҳнинг дармони куриб, ранги саргайиб туси узгара бошлабди. Ниҳоят подшоҳ вазирга айтибди.

— Эй вазир! аълам, мен уйланганимдан буён дармоним куриб, кучим борган сари камайиб, ҳолсизлана борапман. Нима қилмоқ керак, — дебди. Вазир:

— Тугри айтасиз, тақсир рангингиз ҳам саргайиб, тусингиз узгариб, ориқлаб бормокдасиз. Бу ҳолни синчиклаб текширишга тугри келади. Тақсир ҳафа булмасангиз, мен сизга бир сир айтаман, майлими? дебди. Подшоҳ:

— Майли, айт, — дебди. Вазир:

— Тақсир, тагин бу даштдан



олиб келган қизингиз илон пари булмасин. Утмишда қари-лар:

— Даштда курма илон булади. Қирқ йил одам курмаса у парига айланади-да, одамга кундузи пари булиб, кечаси илон булиб куринади, — дер эдилар. Хотинингиз тагин илон булмасин, — деб гумон қиламан, — дебди.

— Ундай булса нима қиламан? — деб сурабди подшоҳ.

— Агарда хуш десангиз, аввал уни аниқ билиш керак, кейин бирор чорасини курамиз, — дебди вазир. Вазир уйлаб туриб подшоҳга шундай йул курсатибди.

— Тақсир, бир кун кечкурун хотинингизга ош буюрасиз. Қозонга сабзи-пиёзни солиб қовуриб сувга кетганда қозонга бир ҳовуч туз тапплаб юборинг. Ошни пишириб тайёрлаб келади, бирга ейсиз. Сунгра ош жуда шур булиб кетибди-ку, деб куп чой, сув ичади. Сиз ҳам ичасиз. Сунгра қолган ишни кечаси биласиз.

Подшоҳ уша кун вазир айтгандек қилибди. Хотини сабзи-пиёзни қовуриб сувга кетганда бир ҳовуч тузни қозонга тапплаб юборибди. Ош шур булибди. Подшоҳ зурга ебди. Пари эса уялганидан ошдан анча ебди. Шур булгани учун куп чой ва сув ичишибди. Кечаси ётиб ухлашибди. Ярим кечада подшоҳ уйғониб қараса, ёнида катта узун илон ётган эмиш. Илон пари чулаб, секин урмалаб ҳовлидаги ҳовузга бошини чузиб, сув шимирибди. Боши ҳовузда булса, думи подшоҳнинг ёнида эмиш. Подшоҳ курққанидан ҳеч нарса деёлмай жим ётаверибди. Эрта билан подшоҳ қараса ёнида пари ётган эмиш. Бу сирни фақат вазирга айтибди. Вазир подшоҳга:

— Тақсир, энди сиз бир амаллаб бу хотинингиздан ажралмасангиз булмайди. Бунинг чораси шундай булади. Бир темир қафасдан уй курдирасиз. Бир амаллаб алдаб хотинингизни шу уйга олиб кирасиз, узингиз чиқиб, кейин эшикни беркитиб, тагидан ут ёқдирасиз, шу билан илон пари қуйиб улади, — дебди.

Подшоҳ вазир айтганини қилибди. Уйга хотини билан бирга кирибди. Бир оздан сунг подшоҳ қафас уйдан чиқиб устидан кулф солибди; сунгра тагидан ут қуйдирибди. Бир чинқариб илон пари қуйиб улибди. Подшоҳ унинг тапшишидан қутулиб қолибди.

ГОВАСОЙДА БЎЛМАБСИЗ...

Ёз— дам олишга соз!

Наманганнинг меваси, тили ёрар боғлари, шарқираган сойлари, айниқса, жаниатмакон Говасойи ҳақида эшиттандирсиз?! Унинг фусункор табиа-ти, ўсимликлар олами, паррандалари, гуллари ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Биз яқинда ота-онам, ука ва сингилларим билан Говасой бағрида жойлашган «Иқтидор» оромгоҳида дам олиб қайтдик. Оқсув ва Кўксувнинг шарқираб оқинидан завқланиб, Говасой таассуротларимни шеър-ий машққа туширдим. Уни сиз ҳам бир ўқиб кўринг.

Говасой, бетиним, серзавқ
Говасой,
Тоглар бағридаги ихчам зар камар.
Жушқинлик қушади ҳуснингга
чирой,
Сувинг болдан ширин, тошларинг
гавҳар.
Тоглар орасидан нурдек товланиб,
Тошлардан тошларга тошасан
шитоб.
Бугун ичдим зилол сувингдан
қониб,
Хай-хай, зилоллиги узи бир китоб.
Шодлиги жаҳонга сигмасдан
тошган.
Бахтиёр боладек жушиб
қуйлайсан.

Куркамликда ой ҳам ҳусн
талашган,
Юртим чиройини қушиб
қуйлайсан.
Онага эркалик қилган гулдадек,
Жушқинлик, саркашлик бирам
ярашар.
Элда тинчлик булса, булмаса
ҳадик,
Сулим Говасой ҳам минг йиллар
яшар.

Гулноза ТОШПЎЛОВА,
Наманган шаҳар, Лутфий
номли
57-мактаб ўқувчиси.



Туга берман.
Р. Альбеков сурат-лавҳаси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0377.
7691 нусхада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босишга топишриш вақти 19.00
Топишрилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Маъзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Телефон:
33-44-25